# Шарқ юлдузи

**Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал**

**1931 йилдан чиқа бошлаган**

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ**

Сирожиддин Саййид
Акмал Саидов
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Иқбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Сайфиддин Рафиддинов
Фармон Тошев
Исажон Султон
Хайриддин Султонов
Иброҳим Ғафуров
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёқубова
Шерзод Ирзоев
Нурбой Жабборов
Қозоқбой Йўлдош
Сувон Мели
Шуҳрат Маткарим
Адҳамбек Алимбеков

**Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф**
**Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид**
**Масъул котиб – Дилором Муротова**
**Назм бўлими мудири – Икром Отамурод**
**Наср бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева**
**Адабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил**

4
2026

## МУНДАРИЖА


**НАЗМ**

**Хосият БОБОМУРОДОВА.** Хаёллар кўкида ойга айландим .......... 4
**Расул ЖУМАЕВ.** Баҳорим, бахтимсан, бағрим очиқ, кел! .............. 10
**Алижон ЗОҲИДИЙ.** Асли томошагоҳ кўҳна бу олам .................. 13
**Умида АЪЗАМ.** Ой нури синади киприкларимда .......................... 16

**НАСР**

**Маматкул ҲАЗРАТҚУЛОВ.** Бир тилим қовун. *Қисса* .................... 19

**БУ БЎСТОН САҲНИДА**

**Исмоил Маҳмуд МАРҒИЛОНИЙ.** Руҳда мангу бир Ватан .......... 62

**АДАБИЙ ЭТЮДЛАР**

**Муртазо ҚАРШИБОЙ.** Изтироб жомидан завқ томчилари ........... 67

**МУШОИРА**

**Абдурауф АБДУҒАФФОР.** Кўнгил овлар қардошинг .................... 72
**Сабр ОЙДИН.** Каҳкашон – ҳайратнинг сурати ................................ 74
**Аваз АБДУСАЛОМ.** Ҳуснини ошиқ элига очмади дилдор ҳануз ........................ 76
**Малоҳат МИРЗАЕВА.** Лайлакқор ёққанди ўшанда тинмай ........... 77
**Юлдуз АБДУСАМАД.** Хаёл ойнасини чертиб ўтди у ..................... 79
**Мавлуда БОЙЧАЕВА.** Бахтингиз бўйлари осмонми ...................... 81
**Бурхон РАҲМАТОВ.** Ўн саккизда қолгансан, баҳор ....................... 82
**Моҳинур ТУРСУНОВА.** Исён қилур висол ва ҳижрон .................. 84
**Нилуфар ЭРГАШЕВА.** Қушларга қанот бер .................................. 85

**МУҲИМ МАНБА**

**Акром МАЛИК.** Риндликдан фақру фанолик сари... ..................... 88

**СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 690 ЙИЛЛИГИГА**

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.** Оқсарой фидойиси ........................................ 97
**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ.** Тарихий шахслар суянч тоғлардир ......................... 102

**АДАБИЙ КЕНГАШЛАРДА**

**Мусулмон НАМОЗ.** Олтинчи бармоқ ............................................. 105
**Гўзал БЕГИМ.** Анъана ва эстетик тажрибалар учрашган аср ........................... 117

**ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН**

**Абдулла УЛУҒОВ.** Зукко ва заҳматкаш Болтабоев ........................ 127

**АДАБИЁТ ВА ШАХС**

**Орзиқул ЭРГАШ.** Қарздорлик ҳисси ................................................ 134

**МУТОЛАА**

**Сувон МЕЛИ.** Нозик мавзунинг рамзий талқини ........................... 139

**ЯНГИ НОМЛАР**

**Севара БЕДИЛ.** Бетизгин хаёллар ортидан чопиб ......................... 142

**ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР**

**Зебинисо ҲУРРАМОВА.** Сатрларда қолган изтироб ...................... 145

**ТАДҚИҚОТ**

**Ғайрат МАЖИД.** Миллий ғурур қасидаси ....................................... 151
**Ҳулкар ЗАРИПОВА.** Жамиятга бегоналар "бегона"ми? ............... 155
**Шерхон ҚОРАЕВ.** Шаҳзодалар тарихи ........................................... 162

**ТЕРАН ТОМИРЛАР**

**Лайло АЛИЕВА.** Бахмал қанотларинг қайрилмасин ҳеч ............... 167
**Феруза МЕММЕДЛИ.** Куз деб аталур ............................................. 169
**Нисо БЕГИМ.** Дарёга айланар инсон бардоши ............................. 170
**Гуламоил МУРОД.** Озарбайжоним ................................................. 172
**Бобо ВАЗИРЎҒЛИ.** Бир достондир севгимиз ................................. 174
**Маориф СУЛТОН.** Минг йил узоқлардан кўраман сани ............... 176
**Навоий МЕТИН.** Энг соф туйғуларни муҳаббат дердик .............. 177

**МАЪРИФАТ ГУРУНГЛАРИ**

**Шойим БЎТАЕВ, Санобар САЙДАЗИМОВА.** Тўртинчи ўлчам сирлари ёхуд паранормал ҳодисалар .............. 181

**BOLALAR DUNYOSI**

**Allanazar ABDIYEV.** Oqqush ................................................................ 186
**Aziz YOQUBOV.** Shoshmay turinglar ...................................................... 188
**Адабий ҳаёт** ..................................................................................... 190



# Шарқ юлдузи

**2026**

4-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**


* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.


Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

**Обуна индекси** – 911



**Манзилимиз:**
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиёбони,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:
71231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru



Босишга рухсат этилди:
07.05.2026
Қоғоз бичими 70x108 $^1/_{16}$
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 4000 нусха.
Буюртма № 11

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.
"PRINT REBEL" МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 12-уй.
Журнал ойда бир марта чоп этилади.



Муҳаррирлар:
***Насрулло ЭРГАШ***
***Дилфуза МАҲМУДОВА***
***Байрам АЛИ***
***Ислом АЛИ***
Мусаҳҳиҳ:
***Моҳира ҲУСАНОВА***
Саҳифаловчи-дизайнер:
***Аҳрор МАЛИКОВ***



Copyright © "Шарқ юлдузи



# ТАРИХИЙ ШАХСЛАР СУЯНЧ ТОҒЛАРДИР

Адҳамбек
**АЛИМБЕКОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йилнинг 2 апрелида эълон қилинган "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги фармонида "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди" деган гапларини ўқирканмиз, бу фикр замирида улкан ҳақиқат мужассамлигини ҳис этамиз. Чунки XX аср туркий адабиётининг энг атоқли ижодкори саналган Чингиз Айтматов Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг нафақат содиқ дўсти, балки бутун дунёга баралла "Ўзбекистон – қалбим менинг. Бу шундай ерки, бу ерда қалбим, жисмим енгил нафас олиб оромланади. Бу жуда ажойиб. Ўзбекистон маданият – бешиги" деган, юртимизга нисбатан самимий меҳрга эга буюк адиб эди.

Ёзувчилик фаолиятидан ташқари минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, туркий халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликдан асраш йўлида фидойилик кўрсата олган тарихий шахс бўлган Чингиз Айтматов, айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида, яъни собиқ СССР тузуми томонидан уюштирилган "ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида ҳам ўзбек халқи шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қила олган. Унинг бу жасоратини эл-юртимиз ҳамон миннатдорлик билан эслайди. Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Бундан ташқари улуғ адиб Ўзбекистон ҳақида қатор ва долзарб мақолалар, ўзбек адиблари, тарихий шахслар тўғрисида фикрлар ва қатор хатлар битган.

---

*Адҳамбек* ***АЛИМБЕКОВ*** *– филология фанлари номзоди, профессор. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг "Юлдузнинг беш қирраси", "Латиф шеърият", "Билиб айтилган сўз" монографиялари, "Турк адабиёти хрестоматияси", "Турк адабиёти тарихи" (XIII–XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, "Ишқ асири бўлган жон" рисоласи нашр этилган.*





Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжумандаги Чингиз Айтматовнинг "Амир Темур феномени" номли маърузаси эса йирик рисола мазмуни ва салмоғига эга бўлганди.

Ушбу маърузада Чингиз Айтматовнинг "Амир Темурнинг ўрни бўлакча, вақт сукунчасига бўйсунмайди. У ҳаммамиз учун ватанпарварликнинг умумтуркий эътиқод тимсолидир.

Амир Темур феномени шундан дарак берадики, борди-ю шахс тарихда тақдирларни ҳал қилган воқеа-ҳодисаларни, ўта муҳим геосиёсий ва маданий ислоҳотларни амалга оширган бўлса, аллазамонларда ҳаётдан кўз юмганига қарамасдан, бу шахснинг битмас-туганмас маънавий-руҳий қувватини ҳаёт сақлаб яшар экан", деган эътирофи эса буюк бобокалонимиз Амир Темурга нисбатан даврининг энг буюк ижодкори томонидан берилган ҳаққоний баҳонинг юксак кўриниши бўлаолганди. Чингиз Айтматов гўё бу гапи орқали ўзбек халқига қарата: "Эй, Амир Темур авлодлари! Сизнинг ҳар бирингизда Буюк Темур руҳи яшаётир, битмас маънавий хазинангиз бор", деяётгандек.

Мазкур тарихий маърузасини давом эттираркан, ёзувчи: "Бунда муайян трансформация, силжиш рўй беради, ўтмиш биоэнергияси ўзгариб, бугунги кун биоэнергиясига, миллатнинг янада куч олган ҳозирги авлодларининг биоэнергиясига айланади. Бунинг учун беназир шахснинг амалиёти ва ютуқ-муваффақиятлари янги авлодлар ҳаётида ҳаракатга келтирувчи кучнинг зарурий унсури, ҳаётнинг амалдаги дастурининг зарурий таркибий қисми бўлиб қолмоғи, миллий ва дунёвий миқёс касб этмоғи зарур. Шу муносабат билан яна таъкидлаш лозимки, Амир Темур феноменининг кўрсатишича, талаб-таклифсиз, бостириб келаётган тарих даъватисиз, бунга авлодларнинг иштиёқсиз ўтмиш руҳи уйғонмайжак. Шу кеча-кундузларда Амир Темур мероси ана шундай идрок этилмоқда", дейди.

Яъни Чингиз Айтматов тили билан айтганда, буюк тарихий шахслар авлодларда рағбат уйғотиши жиҳатидан ҳам улкан суянч тоғидир: "Ўзбек халқининг "Темурнома"сида ўзининг ёркин ифодасини топган ватанпарварлиги замонавий миллий ўз-ўзини англашга хизмат қилибгина қолмайди, бу табиий бир ҳолдир. Амир Темурнинг бутун туркий дунёнинг ўзимизники деб тан олиши ҳам табиийдир, бунда энг муҳими шу жараёнда дунёга келадиган ва биздан атроф дунёга тараладиган эзгу ниятлар ва истак-эътиқодлардадир. Энг муҳими, ана шудир, бу эса дунёқарашимизнинг биринчи даражали ўлчови, байроғимиз, рамзимиздир".

Чингиз Айтматовнинг Амир Темур сиймосини бутун туркий дунё рамзи сифатида кўриши, дунёқарашимизнинг ўлчови деб билишини Амир Темур феноменининг дунёга машҳур ёзувчилар томонидан тан олиниши сифатида ҳам кўрсак хато бўлмайди. Чунки Чингиз Айтматов Амир Темур меросини, шахсини ўта чуқур ўрганганини, Амир Темурга меҳр қўйгани унинг бу тарихий шахс ҳақидаги барча фикрларидан кўриниб турибди. Адиб Амир Темурнинг бир қанча халқларни қолоқлик гирдобидан чиқариб, тараққиёт йўлига солиб юборганини фахр билан ёзаркан, айниқса, унинг "Европа қитъасига ҳам ўзининг халоскорлик таъсирини кўрсатгани... Русни мўғул зулмидан халос" қилганини таъкидлайди. Улуғ Соҳибқироннинг давлатчилик, дин, тил ҳақидаги сиёсатида ҳам бизга ўрнак бўлгулик жиҳатларини яхши кўрсатиб бераолган ва Амир Темур даҳоси, афсонавий жасоратига тасаннолар айтаркан: "Амир Темур инсон зотининг турфа имкониятларини ўзида мужассамлаштирган классик зотдир", дейди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган илк йиллари Чингиз Айтматов томонидан: "Амир Темур феномени – бу маёқ, бу кўрсаткич, бу йўлчи юлдуз" дейилганининг ўзи халқимиз обрўсини жаҳон миқёсида кўтаришда накадар маънавий мадад бўлганини англаш мушкул эмас. Гарчи Амир Темур ҳақида дунё олимлари кўплаб асарлар ёзганига қарамай, аммо улар орасида Амир Темур феноменини Чингиз Айтматовчалик кўрсатиб бераолганлари кам. Шу боис улуғ ёзувчининг бу маърузасини Амир Темур шахси ёрқин кўрсатиб берилган йирик илмий тадқиқотга менгзаш мумкин.

Шунингдек Чингиз Айтматов "Чўққида қолган овчининг оҳи-зори" асарида ҳам Амир Темур сиймосига эҳтиром кўрсатиб кетган. Тарихий манбаларда Амир Темурнинг машҳур форс шоири Ҳофиз Шерозий билан учрашувига доир турлича талқинлардан фарқли ўлароқ биргина шу воқеа тафсилоти орқали у Амир Темурнинг ижодга, шоир шахсига бўлган ҳурматини, Соҳибкироннинг юксак маънавият эгаси эканлигини урғулаган. Чингиз Айтматовнинг мазкур асарида Амир Темур тилидан айтилган: "Ўз шоирини излаб юрган подшонинг қўл остидаги халқ бахтли бўлади. Бироқ ўз ҳукмдорини излаб юрган шоирнинг халқи бахтсиздир", деган гап ҳам чуқур фалсафий маъноси билан ҳам қадрлидир.

Чингиз Айтматовда ўзбек халқига нисбатан соф муҳаббат, умумтуркий ғурур ҳисси бўлмаганда Амир Темур бобомиз тўғрисида ёзганлари бу қадар таъсирли чиқмаган бўлурди. Унинг буюк астроном ва математик, ўз даврининг атоқли алломаси, давлат арбоби, соҳибкирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Муҳаммад ибн Шоҳрух ибн Темур Улуғбек Кўрагоний ҳақида ёзгани ҳам Амир Темурга оид фикрига уйғун тарзда жаранглайди: "Улуғбек менга фақат ўрта асрнинг атоқли олими бўлгани учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечиришга, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтишга маҳкум этганки, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюкдир".

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Чингиз Айтматовнинг деярли ҳар бир асарида Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқи ҳақида илиқ фикрларни учратамиз. Унинг "пахта иши" зуғуми пайтида Ўзбекистонни Ўрта Осиё учун Византиянинг қадимги рус давлати ривожидаги ўрнига қиёслагани, ўзбек адиблари ҳақида ёзганлари кўплаб илмий тадқиқотларга асос бўлиши мумкин. Шу ўринда профессор Ғайбулла ас-Саломнинг қуйидаги сўзларини эслаш жуда ўринли бўлурди: "Дунёда нима кўп, ёзувчи кўп, иқтидори зўр, инсон қалбини ларзага солгучи соҳиби қаламлар оз эмас. Аммо улар орасида Чингиз Айтматовчалик оқибатлисини, фақат ёзувчи сифатида эмас, балки халқимизнинг дўсти, қадрдони сифатида бундай одамохунни топиш қийин".

Шундай экан, Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётган юртимизнинг бугунги кунида "Мен ўз тақдиримни ўзбек халқи ҳаётидан айро тасаввур этолмайман" деган улуғ адиб Чингиз Айтматов ижоди замонамиз ёшлари учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга эканини таъкидлаш бурчимиздир.